

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РАСУЛОВ ШОМУРОД МАҲМУДОВИЧ

**ЭХИНОКОККОЗНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЭПИДЕМИОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ МИСОЛИДА)**

14.00.30 – Эпидемиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Расулов Шомурод Махмудович

Эхинококкознинг замонавий эпидемиологик хусусиятлари
ва унинг профилактик чора-тадбирларини такомиллаштириш
(Кашкадарё вилояти ва Тошкент шаҳри мисолида) 3

Расулов Шомурод Махмудович

Современные эпидемиологические особенности эхинококкоза
и совершенствование мер его профилактики (на примере
Кашкадарьинской области и города Ташкента)..... 23

Rasulov Shomurod Mahmudovich

Modern epidemiological features of echinococcosis and the
improvement of measures for its prevention (on the example of
the Kashkadarya region and the Tashkent)..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 46

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РАСУЛОВ ШОМУРОД МАҲМУДОВИЧ

**ЭХИНОКОККОЗНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЭПИДЕМИОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ МИСОЛИДА)**

14.00.30 – Эпидемиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Tib998 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Матназарова Гулбаҳор Султановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Атабеков Нурмат Сатиниязович
тиббиёт фанлари доктори

Мадреимов Амет Мадреимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:


Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «18» Март куни соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (836 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел.: (+998 78) 150-78-25).

Диссертация автореферати 2022 йил «1» март куни тарқатилди.

(2022 йил «1» март даги 8 рақамли реестр баённомаси)



Л. Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н. У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б. М. Таджиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёнинг кўплаб давлатларида эхинококкоз хавфли паразитар касаллик бўлиб, жиддий тиббий ва ижтимоий муаммодир. Маълумотларга кўра, «...ҳозирги кунда 1 миллиондан ортиқ дунё аҳолиси эхинококкоз билан касалланган, баъзи эндемик ҳудудларда эндемик бўлмаган ҳудудларга нисбатан касалланиш кўрсаткичи 200 баробар кўп учраши аниқланган...»¹. Статистик маълумотлар бўйича ушбу касаллик ер шарининг жанубий мамлакатларида чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли ва ҳайвонлар орасида кўпроқ тарқалган. Эхинококкоз касаллиги клиник белгиларсиз кечиши билан бошқа гельминтозлардан ажралиб туриши сабабли ушбу касаллик билан касалланиш даражаси ҳақида аниқ маълумотлар йўқ, шунга асосан эхинококкоз касаллигида эрта ташхислаш, консерватив даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш бугунги кунда соҳа ходимлари олдида турган ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда эхинококкоз касаллигини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш учун ушбу касаллик билан зарарланишда ташқи муҳит хавфли омиллари таъсири эҳтимоллигини аниқлаш ва камайтириш, эхинококкоз билан оғриган беморларни эрта ташхислаш, даволаш усулларини ишлаб чиқиш ва касалланишни камайтиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, эхинококкоз билан касалланишнинг ретроспектив таҳлил қилиш, асосий юқиш йўллари, юктириш омилларини, эпизоотик ва эпидемик жараёнининг замонавий хусусиятларини баҳолаш, касалликка эрта ташхислаш учун серологик текширишлар, ҳамда эхинококкознинг эпидемиологик ва эпизоотологик назорат тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қатор вазифалар амалга оширилмоқда. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар юқумли касалликларни, шу жумладан эхинококкоз касаллигини эрта ташхислаш ва даволашда замонавий, сифатли тиббий хизмат кўрсатишда технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалликлар асоратлари натижасида юзага келадиган ногиронлик ва ўлим ҳолатларини камайтириш ва олдини олиш имконини

¹Шевченко Ю.Л., Назыров Ф.Г. Хирургия эхинококкоза (монография). Москва, «Династия», 2016 г, 288 ст.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

беради. Шундан келиб чиққан ҳолда эхинококкознинг эпизоотологик, эпидемиологик хусусиятларини ўрганиш ва уларнинг эпидемиологик назоратини такомиллаштиришга қаратилган йўналишдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги ПФ-5696-сонли «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда республикамизда эхинококкоз касаллигининг эпидемиологияси, олдини олиш профилактик чора-тадбирлари ва зооветеринария ходимлари билан ҳамкорликдаги илмий изланишлар деярли олиб борилмаган. Хорижий адабиётларда эхинококкоз билан касалланганларни хавfli гуруҳлар, турли касбдагилар ва эндемик ҳудудларда яшовчилар ўртасида тарқалганлиги таҳлил қилинган ва касалликни назорат қилиш асосланган (Torgerson P. et al, 2014; Chaligiannis I. et al, 2015; Pilar I. et al, 2016; Agudelo H. et al, 2016; Craig PS. et al, 2017; Ruixia Yu. et al, 2017; Solomon N. et al, 2018; Tamarozzi F. et al, 2018; Abdulhameed MF. et al, 2018; Guo B.P. et al, 2019; Elmahdi, I. et al, 2019; Arezo M. et al, 2020; Wei X.Y. et al, 2020). Бир қатор хорижий давлатларда эхинококкоз касаллигининг эпизоотологияси, эпидемиологияси, замонавий ташхисоти, даволаш усуллари ва олдини олиш чора-тадбирлари бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган (Assefa H. et al, 2015; Asmare K. et al, 2016; Pavletic CF. et al, 2017; Rashid A. et al, 2017; Kern P. et al, 2017; Velasko-Tirado V et al, 2018; Han X. et al, 2019; Irina M. et al, 2019; Maksimov P. et al, 2020; Reyihan Y.S. et al, 2020).

Ҳайвонлар эхинококкози бўйича: Республикамизнинг турли биоценозларида уй ҳайвонлари ва айрим ёввойи йиртқич ҳайвонларнинг эхинококкоз касаллигига ташхис қўйиш, қарши кураш чора-тадбирлари бўйича М.Аминжонов, Х.Арзиев ва бошқалар (2008, 2014, 2016, 2018) томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар ўтказилган. Одамлар эхинококкози бўйича: Эхинококкоз касаллигининг республикамизда тарқалганлиги, этиологик омиллари ва паразитологик хусусиятлари аниқланган (Т.А.Абдиев,

У.Т.Сувонкулов ва бошқалар 2005, 2009, 2014, 2018). Эхинококкоз касаллигининг жарроҳлик, лапароскопия орқали турли даволаш усулларини, жарроҳлик муолажасидан сўнгги эхинококкдан қолган қолдиқ бўшлиққа ишлов бериш йўллари (Ш.И.Каримов, Ф.Г.Назирова ва бошқалар 2000, 2004, 2008, 2012, 2016, 2019) илмий жиҳатдан асосланган натижалар олинган.

Республикада эхинококкоз касаллигининг олдини олиш тизимини Соғлиқни Сақлаш тизимининг барча бўғинларида такомиллаштириш зарур бўлган муаммолар мавжуд, шунинг учун ҳам ушбу касалликнинг эпизоотологияси, эпидемиологияси, эрта ташхисоти, консерватив даволаш ва қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 011800228 «Болалар ва катталарда бактериял, вирусли ва паразитар инфекцияларнинг замонавий босқичдаги муаммолари. Эхинококкознинг эпидемиологик хусусиятлари ва профилактикаси» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган (2019-2021 й.).

Тадқиқотнинг мақсади эхинококкознинг замонавий эпидемиологик хусусиятларини аниқлаш ва унинг профилактик чора-тадбирларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистонда эхинококкоз билан касалланишнинг ретроспектив эпидемиологик таҳлилининг ўтказиш 1994-2020 йиллар;

Қашқадарё вилояти ва Тошкент шаҳрида эхинококкоз билан касалланишнинг эпидемиологик таҳлили 1994-2020 йиллар;

эпидемик жиҳатдан хавфли ҳудудлар ва аҳоли гуруҳлари орасида эхинококкоз касаллигининг тарқалганлигини серологик текширув асосида ўрганиш;

аҳолининг эхинококкоз касаллиги тўғрисидаги билим даражасини аниқлаш;

эхинококкоз касаллигида профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ва унинг Қашқадарё вилояти, Тошкент шаҳар Бошқармаларининг эхинококкоз касаллиги бўйича 1994-2020 йиллардаги расмий маълумотлари ва ҳисоботлари, эхинококкоз касаллиги билан касалланиб даволанган 649 нафар беморларнинг юқумли касаллик ўчоғини эпидемиологик текшириш карта маълумотлари, эпидемик жиҳатдан хавфли ҳудудларда яшовчи 340 нафар амалий соғлом шахсларни эхинококкозга серологик текширув натижалари, эпидемиологик сўровномага қатнашган 825 нафар соғлом шахслар ва 150 нафар эхинококкоз билан касалланиб даволанган шахслардан олинган маълумотлар.

Тадқиқотнинг предмети 340 нафар амалий соғлом шахсларнинг эхинококкозга серологик текшириш учун олинган вена қони ва қон зардобини.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун эпидемиологик (ретроспектив таҳлил, сўров анкета), серологик (иммунофермент таҳлил) ва статистик (тасвирий статистика) усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эхинококкоз касаллигини келтириб чиқарувчи асосий юқтириш омиллари бу итлар билан мулоқотда бўлиш, эхинококк тухумлари билан ифлосланган кўкатлар эканлиги аниқланган ва ушбу омилларнинг касалланиш кўрсаткичига таъсири асосланган;

эпидемик жиҳатдан хавfli ҳудудлар тоғ олди ҳудудлари аниқланган ва аҳоли гуруҳлари орасида эхинококкоз касаллигининг тарқалганлиги сероэпидемиологик (ИФТ – ELISA) текширув асосида исботланган;

аҳолининг эхинококкоз касаллигини қўзғатувчиси, касаллик манбаи, юқиш йўллари тўғрисидаги билим даражаси асосланган;

эхинококкоз касаллигида аҳолини билим даражасини ошириш орқали профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасида, Қашқадарё вилояти ва Тошкент шаҳрида эхинококкоз билан касалланишнинг эпидемиологик таҳлили ўтказилган;

эхинококкоз касаллигини келтириб чиқарувчи асосий юқтириш омиллари ва ушбу омилларнинг касалланиш кўрсаткичига таъсири асосланган;

эхинококкоз касаллигининг аҳоли орасида тарқалганлиги серологик текширув асосида исботланган;

эхинококкоз касаллигини олдини олишда аҳолининг касаллик тўғрисидаги билим даражасининг аҳамияти исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишида қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада соғлом аҳоли ва беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган эпидемиологик, серологик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги билан белгиланади. Эхинококкоз касаллигининг тарқалганлиги, касалликни келтириб чиқарувчи юқтириш омиллари, йўллари ва унинг профилактик чора-тадбирларини такомиллаштиришнинг ўзига хослиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, аҳолининг эхинококкоз касаллигини келтириб чиқарувчи асосий юқтириш омиллари, йўллари ва профилактикасини билиши, эхинококкоз касаллигининг олдини олиш ва камайтиришда аҳамияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Қашқадарё вилоятида биринчи мартаба эпидемик жиҳатдан хавfli ҳудудлар ва аҳоли гуруҳлари орасида эхинококкоз касаллигининг тарқалганлиги серологик текширув асосида ўрганилди. Касалликнинг серологик текширув натижасида эрта аниқланиши, беморларда касаллик асоратларининг олдини олишда,

шифохоналарда даволанишига сарфланадиган харажатларни камайтириш, жарроҳлик амалиётларисиз консерватив даволаниш имкониятларини яратиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эхинококкознинг замонавий эпидемиологик хусусиятлари ва унинг профилактик чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

эндемик ҳудудларидаги аҳолини сероэпидемиологик текширув бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқарилган «Эхинококкознинг тарқалганлиги, профилактикаси ва эпидемиологик назорати» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 04 февралдаги 8н-р/96-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома аҳоли орасида эхинококкоз касаллигининг тарқалганлигини серологик текширувлар натижасида эрта аниқлаш, олдини олиш чора-тадбирлари ва эпидемиологик назоратини тадбиқ қилиш имконини берган;

эхинококкознинг замонавий эпидемиологик хусусиятлари ва унинг профилактик чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Қашқадарё вилояти ва Тошкент шаҳар бошқармалари амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 13 январдаги 08.09/845-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши аҳоли орасида эхинококкоз касаллигининг тарқалганлигини серологик текширувлар натижасида эрта аниқлаш, олдини олиш чора-тадбирлари ва эпидемиологик назоратини тадбиқ қилиш, аҳолининг касалликни келтириб чиқарувчи асосий юқтириш омиллари, йўллари ва профилактикаси тўғрисида тушунчага эга бўлиши, эхинококкоз касаллигининг олдини олиш ва камайтириш имконини берган ва 2014 йилга нисбатан 2020 йил касалланиш 100000 аҳолига нисбатан 3,1 дан 1,3 яъни 58% камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманларда муҳокама қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, шахсий изланишлар, хотима, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари

шакллантирилган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар асослаб берилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи. Эхинококкоз касаллигининг эпизоотологияси ва эпидемиологиясининг ўрганилганлик ҳолати**» деб номланган биринчи бобида, муаммонинг замонавий ҳолатини очиб берувчи маълумотлар келтирилган. Эхинококкоз кўзгатувчисининг тавсифи, эхинококкоз касаллигининг эпизоотологияси, эпидемиологияси ва ривожланиш механизмлари, этиологияси, замонавий ташхислаш усуллари, эпидемияга қарши чора-тадбирлар ва профилактика усуллари ёритилган. Касалликни ўрганиш бўйича талаб этиладиган масалалар белгиланган ва тадқиқотни ўрганиш заруриятини асослаш хулосаси билан яқунланган.


Диссертациянинг «**Эхинококкознинг эпидемиологик таҳлил материаллари ва текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва махсус текшириш усуллари баён этилган. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Тошкент шаҳар ва Қашқадарё вилояти Бошқармасининг эхинококкоз касаллиги бўйича 1994-2020 йиллардаги расмий ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳайвонлар эхинококкози бўйича статистик ва эпизоотологик маълумотлари, Тошкент шаҳри ва Қашқадарё вилоятида 2012-2019 йилларда эхинококкоз касаллиги билан касалланиб даволанган 350 нафар беморларнинг «Юқумли касаллик ўчоғини эпидемиологик текшириш карта маълумотлари», 150 нафар эхинококкоз касаллиги билан касалланиб жарроҳлик йўли билан даволанган беморларнинг тиббий баённомасидан кўчирмалари, эпидемиологик сўровномада қатнашган 825 нафар амалий соғлом кўнгиллилар ва 150 нафар касалланиб даволанганлар, эхинококкоз касаллиги учун эпидемик жихатдан хавfli ҳудудларда яшайдиган ва эхинококкоз касаллиги билан даволанган беморларнинг оила аъзолари ва кўшниларидан 340 нафар кўнгиллилардан қон намуналари олинган.

Эпидемиологик назорат доирасида тасвирий ва таҳлилий эпидемиологик усуллардан фойдаланилди. Аҳолининг умумий касалланиши, турли ёш гуруҳлари ўртасида касалланиш, ҳудудлар бўйича тақсимланиши ўрганилди. Илмий ишда эпидемиологик назоратнинг эпидемиологик текширув, серологик ва статистик усуллар қўлланилди.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Pentium-IV шахсий компютерида Microsoft Office Excel-2012 дастурий пакетидан фойдаланиб, статистик қайта ишлашнинг ўрнатилган вазифаларини қўлланилган тартибда қўлланилган тартибда статистик қайта ишланди.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикасида, Қашқадарё вилояти ва Тошкент шаҳрида эхинококкоз билан касалланиш кўрсаткичларининг ретроспектив эпидемиологик таҳлили**» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон Республикасида эхинококкоз билан касалланиш даражасини кўп

йиллик динамикада ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг 1994-2020 йиллар давомидаги маълумотларининг ретроспектив таҳлили натижалари баён этилган. Ўзбекистон Республикасида 1994-2020 йиллар давомида жами эхинококкоз касаллиги билан 30678 нафар беморлар рўйхатга олинган, касалланганларнинг 100 минг аҳолига нисбатан интенсив кўрсаткичлардаги таҳлили ўтказилганда, касалланиш кўрсаткичи турли йилларда 1,3 - 6,01 ҳолатларда қайд этиб турилиши аниқланган (1-расм).




1-расм. Ўзбекистон Республикасида эхинококкоз касаллиги билан касалланишнинг кўп йиллик динамикаси (100 минг аҳолига нисбатан интенсив кўрсаткичларда 1994-2020 йиллар)

Таҳлилнинг дастлабки йили - 1994 йилда республикада эхинококкоз билан касалланишнинг интенсив кўрсаткичи - 3,17 ташкил қилган ва таҳлил этилаётган йиллар мобайнида энг юқори кўрсаткич 2004 йилда кузатилган ва у 6,01 га тенг бўлган. 2007 йилдан бошлаб касалланиш кўрсаткичида пасайиш тенденцияси кузатилган бўлсада, охириги йилларда барқарор тенденция сақланиб қолмоқда.

Касалланиш кўрсаткичларининг йилдан-йилга камайиб боришини ўтказилган профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар самарадорлиги сифатида баҳолаш мумкин. Лекин айрим ҳолатларда эхинококкоз билан касалланган беморларнинг чет давлатларга бориб даволаниб қайтиши ва вилоят туманларидан шаҳар марказларига келиб даволаниши, касалланганларнинг рўйхатга олинмишидаги айрим хато ва камчиликлар ҳисобиданлиги аниқланди.

Касалланишнинг кўп йиллик динамикасини республика маъмурий ҳудудлари бўйича 12 та вилоят, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон республикаси миқёсида жами касалланганлар сони ва 100 000 аҳолига нисбатан касалланишнинг интенсив кўрсаткичларининг ўртача

кўрсаткичларда аниқлаганимизда республиканинг турли вилоятларида бир текис тарқалмаганлиги кузатилди (2-расм).




2-расм. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳудудлари бўйича эхинококкоз касаллиги билан касалланиш кўрсаткичлари (1994-2020 йиллар)

Тақдим этилган маълумотлардан кўришиб турибдики, эхинококкоз билан касалланиш даражаси республиканинг маъмурий ҳудудларида турли кўрсаткичларда қайд қилинган, 1994-2020 йиллар давомида жами касалланганлар ва 100 минг аҳолига нисбатан энг юқори кўрсаткичлар Фарғона (5526 нафар 100 минг аҳолига нисбатан 7,12), Қашқадарё (3730 нафар 100 минг аҳолига нисбатан 5,71) ва Бухоро (3120 нафар 100 минг аҳолига нисбатан 7,45) вилоятларида, энг паст кўрсаткичлар Тошкент шаҳри (593-1,0), Тошкент вилояти (1125-1,62) ва Қорақалпоғистон Республикасида (959-2,22) кузатилган.

Фарғона вилоятида касаллик кўрсаткичининг юқорилиги, эхинококкознинг табиий эпизоотик ўчоқлари мавжудлиги, эхинококк тухумларининг нам иқлим шароитида тупроқда узоқ муддат сақланиши ва аҳолининг асосий қисми деҳқончилик ишлари билан шуғулланишлари натижасида тупроқ билан кўпроқ мулоқотда бўлиши билан боғлиқ.

Қашқадарё вилоятида ҳам эхинококкознинг табиий фаол эпизоотик ўчоқлари мавжудлиги, аҳолининг асосий қисми шахсий чорвачилик ва деҳқончилик ишлари орқали ҳайвонлар ва тупроқ билан мулоқотда бўлиши касалликнинг кўп тарқалишига сабабчи омиллардан ҳисобланади.

Ушбу ҳудудлардаги касалланиш кўрсаткичи республика кўрсаткичига қараганда 1,35 баробар юқори. Республикамиз бўйича 1994-2020 йиллар давомида эхинококкоз билан касалланганларнинг қишлоқ ва шаҳар аҳолиси ўртасида тақсимланиши таҳлилидан қуйидаги натижалар олинди (3-расм).



3-расм. Ўзбекистон Республикасида эхинококкоз билан касалланганлар орасида қишлоқ ва шаҳарда яшовчи шахсларнинг хиссаси (1994-2020 йиллар)

Рўйхатга олинган жами 30678 нафар беморлардан 20486 нафари (66,78%) қишлоқ аҳолиси орасида, 10192 нафари (33,22%) эса шаҳар аҳолиси орасида қайд этилган. Эхинококкоз касаллигининг шаҳар аҳолисига нисбатан, қишлоқ аҳолиси орасида кўпроқ тарқалганлиги табиий ҳолатдир, чунки қишлоқ аҳолисининг асосий қисми ишлаш жараёнида ва уй хўжаликларида шахсий деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланадилар. Бу эса касалликнинг юқтириш омиллари бўлган, эхинококк тухумлари билан зарарланган тупроқ, чорва моллари ва итлар билан мулоқотда бўлиш эҳтимоли юқорилигини кўрсатади.

Эхинококкоз билан касалланишнинг олдини олишда ва профилактик чора-тадбирларини ишлаб чиқишда, касалликни турли аҳоли гуруҳлари орасида тарқалганлик даражасини аниқлаш мақсадида Қашқадарё вилоятининг шаҳар ва туманларидан 540 нафар эхинококкоз касаллиги билан касалланиб, даволанган эркак ва аёллар ўртасида касалланишнинг тарқалганлигини таҳлили натижасига кўра 229 нафар эркакларда 42%, 311 нафар аёллар ўртасида 58% учраганлиги аниқланди. Касалланишнинг аёллар ўртасида кўпроқ учрашининг асосий сабаблари аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ рўзғор ишлари билан шуғулланади масалан: мол ва қўй боқишлар, ҳовлини тозалаш, ҳовлидаги экинларга ишлов бериш, овқатларга ишлатиладиган кўкатларни тайёрлаш, тузини таътиб кўриш ва бошқа касаллик юқиши эҳтимоли юқори бўлган омиллар билан мулоқотда бўладилар.

Биз таҳлил қилган 540 нафар касалланиб даволанганларнинг ёшлар бўйича таҳлилида қуйидаги натижалар олинди. Таҳлил натижаларига кўра, эхинококкоз билан касалланиш 3 ёшдан бошлаб барча ёшларда қайд этилганлиги маълум бўлди. Жами таҳлил этилган 540 нафар касалланганларнинг 56 нафарини, яъни 10,4% 14 ёшгача болалар ташкил этган. Касалланганлар ўртасида 15-20 ёшлилар 61 нафарни (11,3%), 21-30 ёшлилар 137 нафарни (25,4%), 31-40 ёшлилар 130 нафарни (24,1%), 41-50 ёшлилар 74

нафарни (13,7%), 51-60 ёшлилар 52 нафарни (9,6%), 61-70 ёшлилар 25 нафарни (4,6%), 71 ёшдан юқорилар 5 нафарни (0,9%) ташкил қилган (1-жадвал).

1-жадвал

Эхинококкоз билан касалланишнинг ёшлар бўйича тақсимланиши (Қашқадарё вилояти 2015-2020 йиллар)

Ёш гуруҳлари	Мутлоқ сонда	Фоизларда
14 ёшгача бўлган болалар	56	10,4%
15-20 ёш	61	11,3%
21-30 ёш	137	25,4%
31-40 ёш	130	24,1%
41-50 ёш	74	13,7%
51-60 ёш	52	9,6%
61-70 ёш	25	4,6%
71 ёшдан катталар	5	0,9%
Жами:	540	100,0%

14 ёшгача бўлган болалар орасида касалликнинг тарқалиш сабаблари болаларнинг санитария гигиена қоидаларига тўғри амал қилмасликлари ва уларни итлар ва мушуклар билан мулоқотда бўлиши билан боғлиқ. Касаллик аҳолининг асосан ишга яроқли ёшдагилар орасида тарқалганлиги энг кўп қайд қилиниши, касалликнинг яширин даврининг узоқлиги ва 21-40 ёшдагилар асосан ўқиш ва турли иш жараёнлари туфайли ҳар хил жойларда овқатланиши ва яшашига тўғри келади. Бу эса ўз навбатида касаллик манбаси бор жойлардан касалликни юқтириб олиш эҳтимолини келтириб чиқаришга сабаб бўлади.

Эхинококкоз билан касалланган 540 нафар беморларда патологик жараённинг аъзоларда жойлашиши бўйича таҳлил қилганимизда қуйидагилар аниқланди (2-жадвал).

Эхинококкоз касаллиги энг кўп 60-85% ҳолларда жигарда учрайди. Биз таҳлил қилган ҳолатларда 540 нафар касалланганларнинг 444 нафари (82,2%) жигарда, 60 нафари (11,2%) ўпкада, 6 нафари (1,1%) буйракда, 11 нафари (2,1%) талокда, 12 нафари (2,2%) қорин бўшлиғида, 7 нафари (1,2%) бошқа аъзоларда учраганлиги аниқланди.

Касалликнинг асосан жигарда учрашига сабаб, касаллик қўзғатувчисининг тухумлари турли юқиш омиллари иштирокида оғиз орқали ошқозонга, сўнг ингичка ичакка ва у орқали қонга ўтиб, жигарга боради, шунинг натижасида патологик жараён энг кўп жигарда ривожланади. Жигардан ўтган онкосфералар юракнинг ўнг бўлмачасига ундан ўнг қоринчасига ўтиб, кичик қон айланиш доираси орқали ўпкага боради, шунинг учун жигардан сўнг ўпкада касаллик 10-20% гача учраши кузатилади. Ўпкадан ўтган онкосфералар юракнинг чап


бўлмачаси ундан чап қоринчасига ўтиб, катта қон доираси орқали қолган барча органларга тарқалиб ривожланади.

2-жадвал

Эхинококкоз билан касалланган беморларнинг патологик жараённинг аъзолар бўйича тақсимланиши (Қашқадарё вилояти 2015-2020 йиллар)

Аъзоларда локализацияси бўйича	Жами:	Фоизларда
Жигар эхинококкози	444	82,2%
Ўпка эхинококкози	60	11,2%
Буйрак эхинококкози	6	1,1%
Талоқ эхинококкози	11	2,1%
Қорин бўшлиғи эхинококкози	12	2,2%
Бошқа аъзолар эхинококкози	7	1,2%
Жами:	540	100%

Касаллик манбалари ва юқиш омиллари бўйича таҳлил қилганимизда қуйидагилар аниқланди (4-расм).




4-расм. Эхинококкоз билан касалланганларнинг юқиш омиллари бўйича таҳлил натижалари (Қашқадарё вилояти 2015-2020 йиллар)

Таҳлил натижаларига кўра 540 нафар беморларнинг 292 нафари (54%) касалликни итлар билан мулоқотдан, 87 нафари (16%) кўкатлардан, 52 нафари (10%) шахсий гигиена қоидаларига амал қилмаслик оқибатида юқтирган. Касалланганларнинг 67 нафарида (14%) юқтириш омиллари ва сабаблари аниқланмаган, бу ҳолат эпидемиологик жиҳатдан хавфли ҳисобланади.

Юқорида келтирилган натижалардан кўриниб турибдики касалликнинг тарқалишида итларнинг роли катта ва у биринчи ўринда турибди, шунинг учун ҳам ветеринария ташкилоти ходимлари томонидан итларни рўйхатга олиш,

профилактик дегельминтизация чора-тадбирларини ўтказиш самарадорлигини ошириш талаб этилади.

Тошкент шаҳрида эхинококкоз касаллигининг тарқалиш сабабларини аниқлаш мақсадида 2012-2019 йилларда эхинококкоз касаллиги билан касалланиб даволанган 109 нафар беморларнинг «Юқумли касаллик ўчоғини эпидемиологик текшириш карталари» ни эпидемиологик таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра Тошкент шаҳар туманларида касалланганлар бир хилда тақсимланмаган (5-расм).



5-расм. Тошкент шаҳрида эхинококкоз билан касалланганларнинг туманлар бўйича тақсимланиши (2012-2019 йиллар)

5-расмдан кўриниб турибдики энг кўп касалланиш ҳолатлари Шайхонтоҳур 17,4%, Юнусобод 12,8% ва Учтепа 12,8% туманларида, Бектемир, Яккасарой ва Миробод туманларида кам даражада қайд этилганлиги аниқланди.

Эхинококкоз касаллигининг Тошкент шаҳрида учраш сабаби, аҳолининг касаллик ўчоқлари мавжуд бўлган вилоятлардан шаҳарга миграцияси, вилоятларда етиштирилган кўкат ва сабзавотлар, гўшт учун мол ва қўйларнинг Тошкент шаҳри аҳолисининг озиқ-овқат истеъмоли учун кириб келиши, Тошкент шаҳрининг айрим аҳоли гуруҳлари Тошкент ва Сирдарё вилоятларига бориб деҳқончилик ишлари билан шуғулланиши натижасида касалликнинг юқтириш омиллари бўлган зарарланган тупроқ ва касалланган итлар билан мулоқотда бўлиши сабаб бўлмоқда.

Касалликнинг Шайхонтоҳур, Юнусобод ва Учтепа туманларида кўпроқ учрашининг сабаби қолган туманларга нисбатан бу туманларда уй ҳайвонларини боқиш ва деҳқончилик ишлари билан шуғулланувчи аҳолининг кўплиги билан боғлиқдир.

Диссертациянинг «Эхинококкоз касаллигининг тарқалганлигини сероэпидемиологик текширувлар асосида аниқлаш» деб номланган тўртинчи бобида илмий ишнинг асосий вазифаларини ҳал этишни кўзда тутувчи тадқиқот натижалари тақдим этилган. Эхинококкоз касаллиги учун

эпидемик жихатдан хавфли худудларда яшайдиган ва эхинококкоз касаллиги билан даволанган беморларнинг оила аъзолари, кўшниларида жами 340 та қон намуналарини серологик усулда текширилган. Текширишда иштирок этганларнинг 161 (47,4%) нафари эркаклар, 179 (52,6%) нафари аёллар, 14 ёшгача бўлган болалар 27 нафарни, 15 ёшдан 55 ёшгача бўлганлар 274 нафарини 56 ёш ва ундан катталар 39 нафарини ташкил этган. Текшириш натижаларига кўра 308 (90,6%) нафар кишиларда манфий, 22 (6,5%) нафарида мусбат ва 10 (2,9%) нафар кишиларда гумон натижа қайд этилган (6-расм).




6-расм. Эпидемик жихатдан хавфли худудларда яшовчи аҳолининг эхинококкоз касаллигига серологик текшириш натижалари (Қашқадарё вилояти ва Тошкент шаҳри 2020 йил)

Мусбат натижа қайд этилган шахсларга чуқур текширувлардан ўтиш, врач инфекционист назорати остида бўлиш тавсия қилинди. Агар шу беморларнинг 10 нафарида эхинококкоз касаллиги ривожланиб асоратлари билан даволанса, соғлиқни сақлаш тизимига 203 555 130 сўмлик иқтисодий зарар етказилади. Шунинг учун эхинококкоз бўйича хавф худудларини ажратиб, у ердаги аҳолини чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш аҳоли орасида эхинококкоз касаллиги тарқалиши, асоратларини олдини олиш, аҳолининг ҳаёт сифатини яхшиланишига олиб келади.

Диссертациянинг «**Аҳолининг эхинококкоз касаллиги тўғрисида билим даражасини аниқлаш**» деб номланган бешинчи бобида аҳоли орасида эхинококкоз касаллиги, юқиш йўллари ва олдини олиш чоратadbирлари ҳақида билим даражасини баҳолаш учун Қашқадарё вилоятидан 625 нафар ва Тошкент шаҳридан 200 нафар соғлом аҳолидан сўровнома ўтказилди.

Сўровнома натижаларига кўра: Эхинококкоз касаллиги тўғрисида, биласизми? Ушбу саволга 471 нафар (57,09%) одамлар билмайман, 298 нафари (36,12%) ҳа, қисман биламан, 30 нафари (3,63%) ҳа тўлиқ биламан, 20 нафари (2,42%) уйдагилар билишади, 6 нафари (0,74%) бошқа жавобларни беришди (7-расм).



7-расм. Аҳолини эхинококкоз касаллиги тўғрисида билиш даражаси. «Сиз эхинококкоз ҳақида биласизми?» анкета сўровномасининг натижаси

Аҳолининг асосий қисми эхинококкоз касаллиги тўғрисида билмайди, «ҳа, қисман биламан» деб, жавоб берганларнинг яқинлари, қўшнилари ушбу касаллик билан касалланган, шунинг учун улар билишларини таъкидлашди.

Эхинококкоз касаллигининг юқиш йўллари ва ташхисотиغا тегишли саволларга олинган жавобларнинг таҳлили (3-жадвал).

3-жадвал

Аҳолининг эхинококкоз касаллиги нималардан юқишини билиш даражаси

Жавоблар:	Мутлоқ сонда	% ларда
билмайман	425	41,06
ҳаводан	28	2,72
мева ва сабзавотлардан	64	6,18
қовун, тарвуз ва қовоқдан	4	0,39
ифлосланган кўк пиёз, шивит ва турли кўкатлардан	227	21,93
яхши пиширилмаган мол ва қўй гўштидан	177	17,1
касалланган ит, мушук билан мулоқотда бўлганда	107	10,33
бошқа жавоблар	3	0,29
Жами:	1035	100

Ушбу саволга 227 нафар (21,93%) ифлосланган кўк пиёз, шивит ва турли кўкатлардан, 107 нафар (10,33%) касалланган ит, мушук билан мулоқотда бўлганда юқади деб тўғри жавобларни беришган. 425 нафар (41,06%) одамлар «билмайман», 177 нафар (17,1%) «яхши пиширилмаган мол ва қўй гўштидан»

ва қолган бошқа сўровнома ўтказилган шахслар турли нотўғри жавобларни беришган.

Эхинококкоз касаллигига ташхис қўйиш учун қандай текширувлардан ўтиш кераклигини биласизми? Ушбу саволга 9,09% «ҳа, тўлиқ биламан», 42,3% «ҳа, қисман биламан», 45,69% «умуман билмайман», 2,66% «уйдагилар билишади» ва 0,26% бошқа жавобларни беришди.

Эхинококкоз касаллигининг профилактикаси тўғрисидаги саволлар: Эхинококкоз касаллиги юқмаслиги учун қўл ювиш қоидаларига амал қиласизми? Ушбу саволларга 4,01% «йўқ», 36,57% «ҳа, тўлиқ амал қиламан», 58,42% «қисман амал қиламан», 1% бошқа жавобларни беришди. Уйда ит ёки мушук боқишда амал қилиниши зарур бўлган қоидаларга амал қиласизми? Ушбу саволларга 28,85% «уйда ит ёки мушук сақламаймиз», 5,45% «йўқ», 10,67% «ҳа, тўлиқ амал қиламиз», 54,67% «қисман амал қиламиз», 0,36% бошқа жавобларни беришди.

Жавоблардан кўриниб турибдики аҳоли эхинококкоз касаллиги тўғрисида, унинг инвазия манбаи, юқиш йўллари ва омиллари тўғрисида, касалликнинг ташхисотиغا тегишли саволларга, касаллигининг олдини олишда қўлларни ва кўкатларни ювиш қоидалари, ҳайвонларни уйда боқиш ва парвариш қилишда ветеринария назорати ва талабларига тўғри амал қилишнинг аҳамияти тўғрисида кам маълумотларга эга эканлиги маълум бўлди.

Эхинококкоз касаллигининг ташхисоти, давоси ва асоратлари, юқиш йўллари ва қайта касалланмаслик учун олдини олиш чора-тадбирлари ҳақидаги билим даражасини баҳолаш мақсадида 150 нафар эхинококкоз билан касалланиб даволанганларда ўтказилган сўровнома саволларга қуйидагича жавоблар олинди: Сиз эхинококкоз ташхисини дастлаб қандай аниқладингиз ёки билдингиз? Ушбу саволга 93 нафар (62,0%) одамлар «соғлигимдаги ўзгаришларни текширтириш натижасида», 39 нафари (26,0%) «тасодифий тиббий текширувлар натижасида», 13 нафари (8,7%) бошқа жавобларни, 5 нафари (3,3%) «билмайман» деб, жавоб беришди. Сизда эхинококкоз касаллиги нимадан юққанлигини аниқлашдими? Ушбу саволга 38% итлардан, 26% ифлосланган кўк пиёз, шивит ва турли кўкатлардан деб тўғри аниқлашган, лекин 5% яхши пиширилмаган мол ва қўй гўштидан, 1% ҳаводан ва 22% топиша олмаганликлари касалликнинг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Сизда эхинококкоз ташхиси қўйилганга қадар - бу касаллик ҳақида, унинг юқиш йўллари ва омиллари ҳақида билармидингиз? Ушбу саволга 123 нафар (82%) одамлар «билмайман», 5 нафари (3%) «ҳа, қисман биламан», 2 нафари (1%) «ҳа, тўлиқ биланман», 13 нафари (8%) «уйдагилар билишади», 7 нафари (5%) бошқа жавобларни беришди.

Сиз эхинококкоз касаллиги билан даволангандан сўнг қайси шифокорнинг назоратида турибсиз? Ушбу саволга 32 нафар (21%) «билмайман», 3 нафар (2%) шифокор-инфекционист, 55 нафар (37%) умумий амалиёт шифокори, 7 нафар (5%) шифокор-терапевт, 41 нафар (27%) шифокор-жаррох, 4 нафар (3%) шифокор-паразитолог ва 8 нафар (5%) бошқа мутахассислар деб жавоб беришди.

Сиз эхинококкоз билан қайта касалланмаслик учун нималарга амал қилинишини биласизми? Ушбу саволга 32% «билмайман», 26% «уйда хайвонларни сақлаш қоидаларига амал қила олсам боқардим», 17% «тиббий кўриқдан ўтиб тураман», 21% «санитария-гигиена чора-тадбирларига қатъий амал қиламан» ва 4% бошқа жавобларни беришган.

Эхинококкоз касаллиги билан касалланиб, даволанганлардан олинган сўровнома натижаларидан кўриниб турибдики касалланганларнинг асосий қисми касаллик асоратларининг бошланғич вақтида яъни, соғликларидаги ўзгаришларни текшириш давомида ва тасодифий ўтказилган тиббий кўриқлар натижасида аниқланган. Касалланганларнинг кўпчилиги эхинококкоз ташхиси қўйилганга қадар бу касаллик тўғрисида, унинг юқиш йўллари ва омиллари ҳақида билишмаган. Касалликдан даволанганларнинг асосий қисми қаерда диспансер назоратида туриш кераклигини, қайта касалланмаслик учун қандай чора-тадбирларга амал қилиниши кераклигини ва профилактик даво чораларини билишмайди.

Диссертациянинг «**Профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни такомиллаштириш**» деб номланган олтинчи бобда аҳоли орасида эхинококкоз касаллиги, юқиш йўллари ва олдини олиш чора-тадбирлари ёритилган. Эхинококкоз касаллигида профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни такомиллаштириш, одамлар эхинококкоз билан касалланмасликлари учун, бу касалликка қарши тадбирлар икки йўналишда олиб борилиши даркор. Биринчи навбатда зарарланиш манбаини аниқлаш ва тугатиш керак. Бунинг учун эхинококк гижжаларининг хайвонлар (итлар ва қўйлар) орасида тарқалишига қарши кураш олиб бориш ўта муҳим тадбир ҳисобланади. Бу касаллик майда шохли молларнинг ҳалокатига олиб келади, кўп ҳолларда уларнинг маҳсулдорлиги камаяди ва бошқа касалликларга нисбатан қаршилиқ кўрсатиш кучини пасайтиради.

Гўшти учун сўйилган қўй ва моллардан ажралиб чиқадиган эхинококк пуфакчалари ит ва мушукларнинг зарарланиш омилли эканлигини ҳеч вақт унутмаслик зарур. Демак, эхинококк билан зарарланган қўй ва молларни сўйганда ва уларни нимталаганда чиқадиган барча чиқиндилар йўқотилиши керак. Бундай чиқиндилар билан итларни боқиш қатъий ман этилади.

Зарарланишдан сақланиш учун, албатта шахсий профилактика тадбирларига риоя қилиш керак. Буларга уй хайвонларига эҳтиётлик билан қараш ва парвариш қилиш киради, чунки уларнинг юнгида гижжа тухуми бўлиши мумкин. Хайвонларни ҳар бир парвариш қилгандан сўнг қўлни яхшилаб совун билан ювиш зарур.

Итларни эхинококк билан зарарланишдан сақлаш учун, қўй ва молларни сўйиш жойларида ветеринария ва санитария назорати яхши йўлга қўйилган бўлиши керак. Эхинококкоз билан курашишда касал хайвонларни эрта аниқлаш ва уларни соғломлаштиришга алоҳида эътибор бериш даркор.

Эхинококк билан зарарланиш даражаси ва касалланишнинг оғирлиги профилактиканинг махсус чораларини кўришни талаб қилади. Уларга қуйидагилар киради: -дайди итларни йўқ қилиш; -итларни даволаш ва

эмбриофор ажраладиган вақтда алоҳидалаб қўйиш керак; -ўлган ҳайвонларни кўмиб ташлаш; -шахсий ва умумий гигиена қоидаларига риоя қилиш.

Тоғ чўпонлари одатда кичик ва ўрта баландликда қўйларни боқади, у ерда қулай ҳарорат ва юқори намлик бўлиб эхинококк онкосфераси кўп йилларгача сақланиб қолади. Ноқулай эпидемиологик омил тоғли туманларда яшовчи аҳоли ва тоғ чўпонлари булоқ сувини ишлатиши одат тусига кирган, онкосфера бу ерга кўп миқдорда тушади. Шунинг учун тоғ чўпонлари, шу ҳудудларда чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланувчилар хавф гуруҳига киради.

Эндемик ўчоқларда ва аҳолини ҳудудларда оммавий тиббий кўрикдан (серологик текшириш) ўтказиш касалликни эрта аниқлашга имкон беради. Ҳайвонларнинг зарарланиши ҳақидаги маълумотлар, даволаш профилактика муассасалардаги маълумотлар бўйича, ҳудуддаги тиббий ёрдамни ташкил этиш даражаси ишлаб чиқилади, шунингдек самарали чора-тадбирлар ва тиббий ёрдамни ташкил қилиш яхшиланишига йўл очилади.

ХУЛОСАЛАР

«Эхинококкознинг замонавий эпидемиологик хусусиятлари ва унинг профилактик чора-тадбирларини такомиллаштириш (Қашқадарё вилояти ва Тошкент шаҳри мисолида)» мавзусидаги диссертация тадқиқотлари натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Республикамизда 1994-2020 йиллар давомида касалланиш кўрсаткичи 100 минг аҳолига нисбатан турли йилларда 1,3 - 6,01 ҳолат қайд этилган, энг юқори кўрсаткичлар Бухоро (7,45), Фарғона (7,12) ва Қашқадарё (5,71) вилоятларида, энг паст кўрсаткичлари Тошкент шаҳри (1,0), Тошкент вилояти (1,62) ва Қорақалпоғистон Республикасида (2,22) кузатилган.

2. Эхинококкоз билан касалланганларнинг 44,0% эркаklar, 56,0% аёллар, ёшлар бўйича 14 ёшгача бўлган болалар 10,4%, энг кўп 20-29 ёшдагилар 25,4% ва 30-39 ёшдагилар 24,1% ташкил қилди. Қашқадарё вилоятида касалланиш энг кўп Деҳқонобод, Косон, Касби, Чироқчи туманларида, Тошкент шаҳри бўйича Шайхонтохур, Юнусобод ва Учтепа туманларида қайд этилган.

3. Инвазиянинг асосий юқтириш омилли бўлиб, эхинококкоз билан касалланган итлар билан мулоқотда бўлиш (54,0%) ва эхинококк тухумлари билан зарарланган кўкатлар истеъмолидан (16,0%) эканлиги аниқланди. Инвазиянинг юқиш эҳтимоли юқори бўлган хавфли гуруҳга - чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги ишлари билан шуғулланувчи эндемик ҳудудларда яшовчилар кириши аниқланди. Касаллик қишлоқ аҳолиси ўртасида 66,8%, шаҳар аҳолиси ўртасида 33,2% тарқалганлиги аниқланди.

4. Эндемик ҳудудлардаги аҳолини серологик текшириш натижаларига кўра 90,6% кишиларда манфий натижа, 6,5% кишиларда мусбат натижа ва 2,9% кишиларда гумонли натижа қайд этилди.

5. Соғлом аҳоли, эхинококкоз касаллиги тўғрисида 57,1%, касаллик белгилари ҳақида 67,0%, ветеринария назорати тўғрисида 58,2%, касалликка ташхис қўйиш учун тиббий кўрикдан ўтишни 46,0% одамлар билмаслиги аниқланди.

6. Касалланиб даволанганлар, ташхиси қўйилгунча бу касаллик ҳақида, унинг юқиш йўллари ва омиллари ҳақида 82,0% билмайди. 62,0% касалланганлар соғлиғидаги ўзгаришларни (асорат берганда) текширтириш натижасида ва 26,0% тасодифий тиббий текширувлар натижасида аниқлашган. Эхинококкоз билан касалланганларда касалликнинг юқиш йўллари 38,0% аниқланмаган, қайта касалланмаслик учун эса қандай чора-тадбирларга амал қилиниши лозимлигини ва профилактик даво чораларини 32,0% одамлар билмасликлари аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ
АКАДЕМИИ, РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ
ЭПИДЕМИОЛОГИИ, МИКРОБИОЛОГИИ, ИНФЕКЦИОННЫХ И
ПАЗАРИТНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

РАСУЛОВ ШОМУРОД МАХМУДОВИЧ

**СОВРЕМЕННЫЕ ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ
ЭХИНОКОККОЗА И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕР ЕГО
ПРОФИЛАКТИКИ (НА ПРИМЕРЕ КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ
И ГОРОДА ТАШКЕНТА)**

14.00.30 – Эпидемиология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2019.2.PhD/Tib998.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Матназарова Гулбахор Султановна
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты: Атабеков Нурмат Сатиниязович
доктор медицинских наук

Мадраимов Амет Мадраимович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: Центр развития профессиональной
квалификации медицинских работников

Защита диссертации состоится «18» марта 2022 г. в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 при Ташкентской медицинской академии, Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре эпидемиологии, микробиологии, инфекционных и паразитных заболеваний (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фаробий, дом 2. Тел./факс: (+99878) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за 836). Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, улица Фаробий, дом 2. Тел./факс: (+99878-150-78-25).

Автореферат диссертации разослан «1» марта 2022 года.

(реестр протокола рассылки № 8 от «1» марта 2022 года).



Л.Н. Туйчиев
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Н.У. Таджиева
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

Б.М. Таджиев
Заместитель председателя научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Эхинококкоз - опасное паразитарное заболевание, которое остается серьезной медицинской и социальной проблемой во многих странах мира. «... по некоторым оценкам, более 1 миллиона человек во всем мире в настоящее время инфицированы эхинококкозом, причем в некоторых эндемичных районах вероятность заражения в 200 раз выше, чем в неэндемичных. В последние десятилетия наблюдается рост заболеваемости эхинококкозом и расширение географических границ болезни...»¹. По статистике, заболевание более распространено среди населения и животных, занимающихся животноводством в южных странах земного шара. В связи с тем, что эхинококкоз отличается от других гельминтозов отсутствием клинических признаков, точных данных о заболеваемости этой болезни нет, поэтому усовершенствование ранней диагностики, консервативного лечения и профилактики эхинококкоза является одной из наиболее актуальных проблем, стоящих сегодня перед паразитологами.

В целях повышения эффективности ранней диагностики, лечения и профилактики эхинококкоза в мире существует широкий спектр научных исследований, направленных на выявление и снижение вероятности воздействия факторов риска внешней среды, раннюю диагностику больных эхинококкозом, развитие методов лечения и снижения заболеваемости. В связи с этим ретроспективный анализ эхинококкоза, оценка основных путей заражения, оценка инфекционных факторов, современных особенностей эпизоотического и эпидемического процесса, серологические исследования для ранней диагностики, а также исследования по совершенствованию эпидемиологического и эпизоотологического надзора за эхинококкозом приобретает важное значения.

Реализуется ряд задач, направленных на развитие медицинского сектора страны, приведение его в соответствие с мировыми стандартами, совершенствование системы здравоохранения и социальной защиты населения. В связи с этим «...пропагандировать здоровый образ жизни за счет повышения эффективности, качества и популярности медицинской помощи, оказываемой населению в нашей стране, а также формирования системы медицинской стандартизации, внедрения высокотехнологических методов диагностики и лечения, создание эффективных моделей патронажных услуг и диспансерного ухода, и профилактики заболеваний...»². Эти задачи позволяют снизить и предотвратить возникновение инвалидности и смертности в результате осложнений заболеваний за счет совершенствования применения технологий при оказании современных качественных медицинских услуг в области ранней диагностики и лечения инфекционных заболеваний, в том числе

¹ Шевченко Ю.Л., Назыров Ф.Г. Хирургия эхинококкоза (монография). Москва, «Династия», 2016 г., 288 с..

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 г. № 5590 «О комплексных мерах по кардинальному совершенствованию системы здравоохранения».

эхинококкоза. Исходя из этого, целесообразно изучение эпизоотологических, эпидемиологических особенностей эхинококкоза и проведение исследований, направленных на совершенствование эпизоотологического надзора за ними.

Изучение данной диссертации в определенной степени соответствуют реализации задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» от 20 июня 2017 года, Указом Президента Республики Узбекистан от 28 марта 2019 года УП-5696 «О мерах по коренному совершенствованию системы государственного управления в сфере ветеринарии и животноводства» предусмотрен повышения качества профилактических мероприятий, диагностических и лечебных процедур до уровня международных стандартов, а также в других соответствующих нормативно-правовых актах, принятых в данном направлении.

